

ЁШЛАРНИ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИ

Зарифов Бобур Анзор ўғли*Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар департаменти ходими**Тошкент давлат иқтисодиёт университети**boburzarifov920423@gmail.com*

Аннотация: Ёшлар иш билан бандлиги ва уни тартибга солиш бугунги кунда долзарб мавзулардан биридир. Шу боис тадқиқот давомида мавзу доирасида атрофлича иш олиб бордик. Жумладан мавзуга оид бошқа тадқиқот ишлари, маҳаллий ва хорижий олимлар қараишлари, илмий мақолалари ҳамда мавзуга оид маҳаллий меъёрий ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, адабиётлар шарҳи тайёрладик. Илмий ишининг амалий аҳамиятини ошириш учун, мамлакатимиз банкларидаги хусусан Республикада иш билан бандлик ҳолати ва улар билан ишлаш кай даражада амалга оширилаётганлигини статистик маълумотлар асосида эконометрика таҳлил усуллари ёрдамида ўргандик.

Таянч тушунчалар: иш билан таъминлаш, самарали ташкилий механизмлар, ишсизлик, бандлик, аниқ социологик баҳолаш, меҳнат ресурслари, меҳнат бозори, рақобатбардошлик, тадбиркорлик.

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Аҳолининг иш билан бандлигига кўмаклашиш меҳнат бозорининг энг муҳим ижтимоий моҳиятини ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида “Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир”, деб қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида “2021 йил 1 январдан талаб юқори бўлган ишчи касблар бўйича фуқароларнинг малака даражасини тасдиқлаш тизимини жорий этиш. Ёшлар форумидаги учрашувда ёшлар тадбиркорлиги ва бандлигини таъминлаш учун 100 миллион доллар ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бундан ташқари ёшларнинг бизнес лойиҳаларини кредитлаган ҳолда уларни касб-ҳунарга ўқитиш учун 1 триллион сўм ва 50 миллион доллар ажратилади” деб таъкидлаб ўтди. Бу еса ўз навбатида инновацион ривожланиш даврида ёшларга кенг имкониятлар берилаётганлигидан далолат беради. Ёшларни меҳнат фаолиятига жалб этиш энг муҳим умумдавлат, умуммиллат аҳамиятига молик масаладир. Чунки бугунги кунда иқтисодиёт турли соҳаларидаги меҳнат жамоалари таркиби, тадбиркорлар сафларига қўшилаётган йигит-қизлар Ўзбекистон Республикасининг кейинги йилларда тараққиётини ҳал этишда ҳисса қўшадилар. Бугунги кун шароит-ларида ёшларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш таълим муасса-салари, таълимни бошқариш, меҳнат ҳудудий органлари, иш билан бандликка кўмаклашиш марказлари, Ёшлар ишлари агентлиги, касаба уюшмалари ташкилотлари, маҳаллий ҳокимият

органларининг биргаликдаги аниқ мақсадга йўналтирилган саъй-ҳаракатларига боғлиқдир [1].

Иқтисодий фаол аҳоли таркибидаги ёшлар энг истиқболли тоифа бўлиб, узоқ муддатли интеллектуал инвестиция объекти ҳисобланади. Улар билим даражасининг юқорилиги, кучли меҳнат мотивацияси, жўшқин жисмоний салоҳият, меҳнат бозори талаб этаётган касб ва ихтисосликка тез ўқитиш ва ўргатиш имкониятлари юқорилиги билан ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси. 70-мақсад: Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш.

Ёшларни ишга жойлаштириш ва уларнинг бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш. Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш. Ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, шунингдек, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш. Ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитларни яратиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш.

Ёшларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини рўёбга чиқариш соҳасида фаолият олиб борувчи халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривож-лантириш.

Тадқиқотнинг мақсади Ёшларни иш билан бандлиги ва уни тартибга солиш йўналишлари бўйича назарий ва амлий маълумотлар асосида таҳлил қилиб, илмий тавсия ва хулосалар беришдан иборатдир.

Таҳлил ва натижалар

Бугунги кунга келиб давлатнинг ёшларга оид сиёсатини, ёшларнинг талаб ва эҳтиёжлари, улар олдида турган муаммоларни фаол ечимини топиш, иқтисодий жабҳаларда ёшлар иштирокони ошириш, ёшлар ўртасидаги ишсизлик муаммоларини ҳал этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш зарур бўлади. Бунинг учун эса хорижий давлатлар ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг илмий ишларини мукаммал ўрганиб чиқиш талаб этилади. Мавзу бўйича назарий, амалий адабиётларни таҳлил қилиш асосида маҳаллий ва хорижий олимлар тадқиқотчиларнинг ишлари, фикрлари ва хулосаларини кўриб чиқамиз. Ундан ташқари мавзу бўйича маҳаллий меъёрий ҳужжатларни ўрганиб чиқамиз. Тадқиқот мавзуси ахамиятга молик бўлган кенг доирадаги мавзунини ҳисобланади. Мамлакатимиз меҳнат бозорида ёшларнинг иш билан бандлигини ошириш муаммоларини турли жиҳатларини ўрганишга Г.Абдурахмонова, С.Ғойибназаров, А.Хайитов, А.Ирматова, И.Бакиева, Қ.Х.Абдуракмонов, Х.П.Абулқосимов, Б.Х.Умурзаков, Ш.Р.Холмўминов, Д.Рақимова, Н.Қ.Зокирова, Р.Убайдуллаева, М.Насимов каби олимлар маълум ҳисса қўшдилар. Уларнинг илмий ишларида ёшлар меҳнатидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш, уларни меҳнатга тайёрлаш, касб малакасини ошириш, муаммоларига ҳамда ижтимоий-демографик гуруҳ сифатидаги фаолиятига алоҳида эътибор берилган..

Ҳозирги кунда иқтисодиётнинг олдида турган долзарб муаммолардан бири ёшлар меҳнат бозорини самарали шакллантириш ва ривожлантириш. Шу сабабли, ҳаммадан аввал ижтимоий ва иқтисодий тизимлар ривожланишини объектив қонунларидан саводли фойдаланиш зарур. Республикада бозор муносабатларини самарали татбиқ этиш, аҳолини иш билан таъминлаш ва бу орқали ижтимоий-иқтисодий тараққиётга амалга ошириш энг аввало мавжуд ҳудудлар меҳнат бозорлари ҳолатига боғлиқ. Ҳозир жаҳон ҳамжамиятида қабул қилинган, ёшлар тоифасига мансуб деб ҳисобланадиган 12-24 ёшдагилар 1,2 миллиард нафарни ёки Ер юзи аҳолисининг 16 фоизини ташкил этади. 2030 йилга бориб уларнинг сони яна 7 фоизга ортиб, 1,3 миллиард нафарни ташкил этиши башорат қилинмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқида ҳам ёшларимизни “Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси” деб таърифлади. Мамлакатимизда бугунги кунда агар мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасалар бўлғуси Уйғониш даврининг тўрт узвий ҳалқаси, боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимиз унинг тўрт таянч устуниси деб ҳисобланаётган бўлса, фикримизча ёшларимизни Учинчи Ренессанснинг ижодкорлари дейиш мумкин.

Ёшлар ишсизлигини камайтиришнинг ҳудудий дастур методикасини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш уларни иш билан бандликни оширишнинг самарали воситаларидан бири ҳисобланади. Мазкур дастур иш билан бандликнинг давлат сиёсати, инфляция ва ишсизлик, шу билан бандлик ва инвестициялар, иш жойлари ва меҳнат ресурслари ўртасидаги макроиқтисодий нисбатлар билан узвий боғланган ҳолда ишлаб чиқиш зарур.

Умуман олганда, ёшлар ишсизлигини камайтиришни ҳудудий дастурини ишлаб чиқишда қуйидаги расм орқали бу дастурдаги мақсадлар, уларни амалга оширишнинг устуворлиги ва уларга амалга ошириш учун зарур бўлган ресурслар ва воситаларнинг мавжудлигига қараб кетма-кетлик тартибда жойлаштириш мумкин (1.1 –расм).



1.1-расм Ёшлар ишсизлигини камайтириш дастурини амалга оширишда зарур бўлган ресурс ва воситаларнинг тузилмавий чизмаси *

*Муаллиф томонидан тузилган.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг бандлигига кўмаклашиш, тадбиркорлик гоё ва ташаббусларини рағбатлантириш, улар муносиб даромад олиши учун қўшимча шароитлар яратиш, бу борада олиб борилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқиш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлан-тиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, уларни доимий иш билан банд қилиш, қўшимча даромад олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича қуйидаги тартиб жорий қилинсин, унга мувофиқ:

а) 2021 йил 1 майдан бошлаб:

2023 йил 1 январга қадар иш берувчиларга (бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар бундан мустасно) улар томонидан 25 ёшдан ошмаган ходимлар учун тўланган ижтимоий солиқ суммаси Давлат бюджетидан тўлиқ қайтариб берилади. Бунда, ижтимоий солиқ суммаси ёш ходимлар олти ой давомида узлуксиз меҳнат фаолиятини амалга ошириши шарти билан еттинчи ойдан бошлаб қайтарилади;

"Ёшлар дафтари"га киритилган ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ўзини ўзи банд қилишга зарур бўлган асбоб-ускуналар ва меҳнат курулларини харид қилиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда "Ёшлар дафтари" жамғармалари ҳисобидан субсидия ажратилади;

"Ёшлар дафтари"га киритилган ишсиз ёшларни ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектларига давлат мулкани ижарага олишда ижара тўловларидан **1.1-жадвалга** мувофиқ имтиёзлар тақдим этилади;

б) 2021 йил 1 июндан бошлаб:

"Ёшлар дафтари"га киритилган тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун бино ва иншоотларни ижарага олган ёш тадбиркорларга бир йиллик ижара харажатларининг 30 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 бараваригача бўлган миқдори "Ёшлар дафтари" жамғармалари ҳисобидан компенсация қилинади;

профессional таълим ташкилотларида таҳсил олаётган "Ёшлар дафтари"га киритилган ёшларга улар ишлаб-чиқариш ёки хизмат кўрсатиш корхоналарида амалиёт ўтаган вақтида, бироқ олти ойдан кўп бўлмаган муддатда профессионал таълим ташкилотлари томонидан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баравари миқдорида ҳар ойлик субсидия ажратилди.

1.1-жадвал

"Ёшлар дафтари"га киритилган ишсиз ёшларни ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектларига давлат мулкани ижарага олишда ижара тўловларидан тақдим этиладиган имтиёзлар рўйхати

"Ёшлар дафтари"га киритилган ишчилар сони	Давлат мулки объектнинг имтиёз қўлланиладиган энг кўп майдони			
	Тошкент шаҳар (кв.м)	Нукус шаҳар ва вилоят марказлари (кв.м)	Туман марказлари (кв.м)	Бошқа ҳудудлар (кв.м)
I. "Ёшлар дафтари"га киритилган ишсиз ёшларни ишга қабул қилганда умумий ижара майдонига нисбатан ижара тўловларини 50 фоиз миқдорида тўлайдиган тадбиркорлик субъектлари бўйича				
5 га	60	80	100	120
6 дан - 9 гача	100	120	140	160
10 дан - 19 гача	200	240	280	300
20 ва ундан ортиқ	250	280	300	320
II. Ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритаётган ва ходимлар умумий сонининг камида 70 фоизи "Ёшлар дафтари"га киритилган ёшлар бўлган, давлат мулки объектлари учун ижара ҳақи тўловидан 5 йилга озод этиладиган тадбиркорлик субъектлари бўйича **				
10 гача	100	120	140	160
10 дан - 19 гача	140	160	180	200
20 дан - 29 гача	180	200	220	240
30 ва ундан ортиқ	220	240	260	280

1. Мазкур иловада назарда тутилган имтиёзлар коэффиценти Тошкент шаҳар, Нукус шаҳар ва вилоят марказлари ҳамда бошқа ҳудудлар бўйича тегишлича ҳудудий зона коэффиценти энг юқори бўлган объектларга нисбатан қўлланилмайди.

2. "Ёшлар дафтари"га киритилган ходимлар билан меҳнат шартномаси бекор қилиниши оқибатида мазкур иловада белгиланган меъёр бузилган тақдирда, жорий ойнинг кейинги ойдан бошлаб белгиланган меъёрга мувофиқ имтиёз қўлланилади ёки бекор қилинади.

3. Ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритаётган ва ходимлар умумий сонининг камида 70 фоизи "Ёшлар дафтари"га киритилган ёшлар бўлган бир нечта ёш тадбиркорлик субъектлари битта давлат мулкани ижарага олиш истагини билдирган тақдирда, имтиёз ходимлар умумий сони таркибида "Ёшлар дафтари"га кирган ёшлар сони кўп бўлган тадбиркорлик субъектига берилади.

Ўсмирлар ва ёшлар ривожланиш учун зарур бўлган билим ва имкониятлар билан таъминланса, ривожланиш учун ижобий куч бўлиши мумкин. Хусусан, ёшлар самарали иқтисодий ҳисса қўшиш учун зарур бўлган таълим ва кўникмаларга муҳтож, шунингдек, уларни ишчи кучига сингдира оладиган меҳнат бозорига киришлари керак.

Жаҳон миқёсида 15-24 ёшли ёшлар сони кейинги 15 йил ичида 8 фоизга ошиб, 2015-йилдаги қарийб 1,2 миллиарддан 2030-йилда 1,3 миллиардга яқинлашиши прогноз қилинмоқда (1.2- жадвал).

Африка 2015-2030 йилларда 15-24 ёшлилар сони 44 фоизга ошиши кутилаётган ёшлар сонининг нисбий ўсиши энг юқори прогноз қилинган минтақа ҳисобланади. Африкадан кейин Океания, 15 фоизга ўсиш прогноз қилинмоқда. 2015 йилдан 2030

йилгача Осиё, Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси ва Шимолий Америкада ёшлар сони бирмунча камайиши, Европада эса нисбатан ўзгармаслиги прогноз қилинмоқда. 2030-йилда дунё бўйлаб 15-24 ёшдаги ҳар тўрт нафар ёшлардан бири Африкада истиқомат қилади, бу 2015-йилда ҳар бешинчи ёшлардан бирига кўп ва Африка дунё ёшлари улуши ортиб бораётган ягона минтақадир. Бошқа бешта минтақанинг ҳар бирида истиқомат қилувчи ёшларнинг глобал улуши камаяди. 2030-йилда Осиёда 15-24 ёшдагиларнинг аксарияти (55,5 фоиз) яшаши давом етиши кутилаётган бўлсада, бу улуш 2015-йилда Осиёда истиқомат қилган дунё ёшларининг 60 фоизидан камайганини англатади.

1.2-жадвал.

Дунё бўйича 15-24 ёшли ёшлар¹, (миллион)

Худудлар	2015	2030	2030/2015 йилга нисбати	2015 йилда ёшларни тақсимланиши	2030 йилда ёшларни тақсимланиши
Дунё	1193.6	1286.3	1.08	100.0	100.0
Африка	229.6	331.4	1.44	19.2	25.8
Осиё	718.5	713.4	0.99	60.2	55.2
Европа	81.1	81.0	1.00	6.8	6.3
Лотин Америкаси ва Кариб денгизи	109.9	105.3	0.96	9.2	8.2
Шимолий Америка	48.6	48.4	0.99	4.1	3.8
Океания	5.9	6.8	1.15	0.5	0.5

Худудлар кесимида 16-25 ёшдаги ёшлар ўртасида ишсизлик даражаси кўриб чиқадиган бўлсак Республика бўйича 2018 йилда аёллар ишсизлик даражаси 20,3 фоизга, эркаклар 15,5 фоизга 2020 йилда аёллар 23,4 фоизга эркаклар 16,1 фоизга тенг бўлган.

2020 йилда ишсизлик даражаси энг юқори худудларни кўрадиган бўлсак аёллар ўртасида Сирдарё вилояти (25,5) фоиз, Сурхондарё вилояти (24,6) фоиз, Андижон вилояти (24,3) фоиз бўлган, энг паст худудлар Тошкент шаҳар (19,3) фоиз, Қорақалпоғистон Республикаси (21,8) фоиз, Навоий вилояти, Тошкент вилояти (22,8) фоизга тенг бўлган. Эркаклар ўртасида энг юқори худудларни кўрадиган бўлсак Қорақалпоғистон Республикаси (17,3) фоиз, Хоразм вилояти (16,9) фоиз, Самарқанд вилояти, Сурхондарё вилояти (16,5) фоиз, энг паст худудлар Тошкент шаҳар (15,0) фоиз, Қашқадарё вилояти (15,4) фоиз, Андижон вилояти (15,8) фоиз бўлган.

¹ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (2015). Дунё аҳолисини истиқболлари.

Ёшларни ишга жойлаштириш ҳолати тўғрисидаги маълумотлар² (2021 йил 2-чорак)

№	Худудлар номи	Мурожа т қилганлар сони	Ишга жойлашганлар сони	Касб-га ўқитилганлар	Жамоат ишига жалб қилинганлар	Ишсиз деб этироф этилганлар йил бошидан (ишсизлик нафақаси тайинланганлар)	Ёшлар-га ажратилган субсидиялар
1	Қорақалпоғистон Республикаси	31922	6413	1450	5070	1401	313
2	Андижон	17085	9336	3405	3691	1577	466
3	Бухора	10022	5061	1360	2733	1036	2353
4	Жиззах	12321	3590	2557	4894	1669	293
5	Қашқадарё	22381	5428	4121	3604	4833	1698
6	Навоий	6144	1987	1464	1711	1382	304
7	Наманган	15875	7706	3049	3209	2277	1002
8	Самарқанд	15234	7141	3307	2929	2981	722
9	Сурхандарё	14727	3805	5904	3009	3598	471
10	Сирдарё	10884	3226	2400	1975	3697	327
11	Тошкент в.	11818	5868	2409	2283	2507	426
12	Фарғона	21595	12367	4225	3701	2836	439
13	Хоразм	14376	3758	2351	2586	3042	518
14	Тошкент.ш	7595	2455	2104	835	1398	166
	Жами	211979	78141	40106	42230	34234	9498

Ўзбекистонда ишсиз ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича энг паст кўрсаткич қайси вилоятда экани маълум бўлди 13 апрель куни ёшлар бандлигини таъминлаш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Хулоса ва таклифлар

Ёшлар иш билан бандлигини ошириш, меҳнат бозорида тенглик мутаносиблигини таъминлаш, иш билан самарали бандлик даражасини камайтиришга бевосита таъсир кўрсатиш нуктаи- назаридан методологик жиҳатдан ёндашув мақсадга мувофиқ.

Ёшларнинг иш билан бандлигини оширишда оқилона иш билан бандлик шаклланишининг барча демографик, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа жиҳатлари қуйидаги мезонларда ўз аксини топади: ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида бозор мувозанатига амалга ошириш; иш жойларини кўпайтириш; иқтисодий фаол аҳолининг меҳнатда иштирокини ошириш; меҳнат унумдорлигининг ўсишини

² Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф тамонидан тузилди.

таъминлаш; аҳолининг меҳнат даромадларини кўпайтириш; ишсизликни камайтириш ва бошқалар.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш асосида камбағаллик ва ишсизлик даражасини камайтириш масалалари мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами,-Т.: 2021, 356-бет.
2. Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари.